Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2013 йил 24 июль
ЧОРШАНБА
№ 59 (12591)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Фаоллар йиғилиши

**Вилоят фаолларининг жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 18 январдаги мажлисида Президентимиз томонидан белгилаб берилган 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифалар ижросига оид йиғилиши бўлиб ўтди.**

**Йиғилишни Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси, вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов бошқарди.**

## ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Йиғилишда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят ҳокими ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибият мудирлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, вилоят бошқарма ва ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, йирик ишлаб чиқариш корхоналари, тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Қайд этилганидек, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг ҳаётга чуқур ва изчил татбиқ этилаётгани самарасида жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятнинг макроиқтисодий кўрсаткичларида барқарор ўсиш суратлари кузатилди. Жумладан, хисобот даврида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 5,8 фоизни ташкил этди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш хажми 6,8, қурилиш 10,4, чакана савдо айланмаси 16,4 пуллик хизматлар кўрсатиш 13,2, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 14 фоизга ўсди.

Хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурларида белгиланган вазифаларнинг изчил амалга оширилиши натижасида мазкур соҳада ҳам ижобий ўзгаришлар кўзга ташланди. Ҳисобот даврида жойларда 870 дан ортиқ янги хизмат кўрсатиш ва сервис объектлари фойдаланишга топширилгани, вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотида мазкур тармоқ улуши 46,6 фоизга етгани бунинг тасдиғидир.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасидаги саъй-ҳаракатлар ҳам эътиборга молик. Масалан, январь-июнь ойларида мазкур дастур доирасида 19 та корхонада 43 та лойиҳа муваффақиятли рўёбга чиқарилиб, 30,1 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришилди. Ҳисобот даврида, шунингдек 1 минг 860 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти рўйхатга олиниб, уларнинг умумий сони 42 минг 748 тага етди.

Фаоллар йиғилиши "Обод турмуш йили" Давлат дастури ижросини ҳам алоҳида кўриб чиқиб, дастурда белгиланган чора-тадбирлар ижроси учун барча манбалар ҳисобидан 279,8 миллиард сўм миқдорида маблағ йўналтирилганини қайд этди.

Вилоятда аҳолини иш билан таъминлаш, касб-ҳунар коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш масалалари ҳам алоҳида устуворлик касб этмоқда. Масалан, бандлик дастурига мувофиқ вилоятда 44,3 мингта янги иш ўрни ташкил этилди. Унинг 31 мингдан ортиғи айнан қишлоқ жойларида эканлиги диққатга сазовордир.

Йиғилишда эришилган ижобий натижалар билан бир қаторда, айрим соҳа ва тармоқларда камчилик ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилаётгани таъкидланиб, уларни бартараф этиш юзасидан муҳим чора-тадбирлар белгилаб олинди. Шунингдек, қишлоқларда намунавий лойиҳа бўйича уй-жойлар қуриш, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ишлаб чиқариш инфратузилмаси, ижтимоий соҳа иншоотларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам қизғин муҳокама этилди ҳамда кўрилган барча масалалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Вилоят фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Азимов сўзга чиқди.

**Ўз мухбиримиз.**

Тадбиркорлик



## РЕЖАЛИНИНГ ИШИ ПУХТА

**Гулчеҳра Ўтбосарованинг ҳар бир куни режали. Бугун ҳам Юқори Чирчиқ туманидаги ўзи раҳбарлик қилаётган "Нозима люкс сервис" хусусий корхонасига кириб келар экан, кун тартибини бир-бир хаёлидан ўтказиб олди. Қўл остидаги ходимлари уни очиқ чеҳра билан кутиб олишидан баҳри дили очилди.**

Илк қилган иши корхонасида очилган тикувчилик, компьютер саводхонлиги, пазандалик, элита парда тикиш курслари хоналарини кўздан кечириб чиқиш бўлди. Устозлар касбларнинг сир-асрорларини ёшларга жон куйдириб ўргатишяпти. Ўғил-қизларнинг тиришқоқлиги ва билимга чанқоқлигини кўриб хайрли ишни бошлаб хато қилмаганига амин бўлди. Тўғрида, бирон-бир ҳунарни ўрганиш учун шаҳарга қатнашнинг ўзи бўлмайди. Ушовидан тушови қимматга тушади. Энди эса, туман ёшлари беминнатгина Янгибозор қўрғони ва Жумабозорда очилган ўқув марказларида ҳунарли бўлишяпти.

Тадбиркорнинг 2004 йили бошлаган ҳаракатлари бугун ўз самарасини беряпти. Ёш оналар мактабида қизларни турмушга тайёрлаб, келинчакларга оқила бека, меҳрибон она, саришта уй бекаси бўлиш сирлари ўргатиляпти. Ҳозир аёллар ва эркаклар сартарошхонаси дейсизми, сурратхона, тикувчилик цехлари, келинлар учун тўй либослари салони халқ хизматида. Мазали ширинликлар ва пишириқларга ҳам буюртмалар олиняпти.

Дарвоқе, Гулчеҳра Ўтбосарова фақат пулнинг кетидан қувадиганлардан эмас. Савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши керак, деган гапга амал қилади. Марказда ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари ҳамда ота-онаси йўқ ёшлардан ўқиш учун пул олинмайди. Қолаверса, мактаб ўқувчиларига ҳомийлик ёрдами сифатида мактаб формалари бепул тикиб беріляпти.

Хуллас, Юқори чирчиқлик тадбиркорнинг мақсади аниқ, режалари бисёр.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

**СУРАТДА:** Гулчеҳра Ўтбосарова келинчакларнинг нафис либосларини кўздан кечирмоқда.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

**Олмалиқ шаҳридаги "Аммофос-Максам" очиқ акциядорлик жамиятида ёшлар ўртасида "Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, гиёҳвандлик, ОИВ инфекциясининг олдини олиш" мавзуига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

## ҲАММАГА АЛОҚАДОР

"Камолот" ЁИҲ вилоят кенгаши, саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали, вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази, шаҳар саломатлик маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ОИТС ва гиёҳвандликнинг олдини олиш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг саломатлигига бўлган масъуллигини ошириш, ҳаётига хавф соладиган гиёҳвандлик, кашандалик, ичкиликбозлик каби зарарли иллатларга нафрат руҳида тарбиялаш ҳар бир ота-она ва фуқаронинг бурчи эканлиги таъкидланди.

**Юлдуз ФАЗЛИЕВА.**

## ИЖОДИЙ САМАРАДОРЛМК ВА ИЖТИМОИЙ МАСЪУЛИЯТ

**Фуқаролик жамияти шакллланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент вилояти ҳудудий бўлинмаси томонидан вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси Тошкент вилоят бўлими билан ҳамкорликда "ОАВ фаолиятининг самарадорлиги фуқаролик жамияти шаклланишининг асосий омили сифатида" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.**

Ушбу тадбирдан кўзланган асосий мақсад ахборот соҳасини либераллаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар мазмун-моҳиятини, журналистларнинг фуқаролик позицияси ва ижтимоий масъулиятини ошириш, шунингдек, ижтимоий аҳамиятга молик дастурларни амалга ошириш воситаси сифатида ОАВ фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш масалаларини кенг муҳокама этишдир.

Унда вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Республика "Маънавият тарғибот" маркази вилоят бўлимлари раҳбарлари, босма ва электрон ОАВ вакиллари, Институт мутахассислари иштирок этишди.

Давра суҳбатида оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада такомиллаштириш, ушбу йўналишдаги норматив-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, ахборот соҳасининг ривожланиши учун яратилаётган имкониятлар борасидаги масалалар муҳокама қилинди. Жумладан, Президентимиз жорий йилнинг 27 июнида Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригида белгилаб берган вазифалар аҳамияти таъкидлаб ўтилди. Долзарб муаммоларни ечишга йўналтирилган қонуний ҳужжатлар ва дастурларнинг мазмун-моҳиятини оммага етказиш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларнинг тезкор ва объектив ёритилишида ОАВ ролининг муҳимлиги иштирокчилар томонидан таъкидланди.

Шунингдек, ОАВ ва жамоатчилик билан алоқаларни кучайтиришнинг асосий йўналишлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда ОАВ ролини кучайтириш орқали уларнинг шаффофлигини таъминлаш каби масалалар муҳокама қилинди.

Шу билан бирга, аҳолининг маънавий ҳаётини, миллий қадриятларини сақлаб қолишда, ёшларни турли хил ахборот хуружларига қарши кураша оладиган қилиб тарбиялашда ОАВ ниҳоятда муҳим эканлиги иштирокчилар томонидан эътироф этилди.

Давра суҳбати якунида ҳудудий журналистларнинг салоҳияти, хорижий тилларни ва замонавий ахборот-коммуникацион технологияларни ўзлаштириш орқали уларнинг касб маҳоратларини ошириш ҳамда ОАВ фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш борасида тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Маънавият

**Сурат ва сийрат деган тушунчалар бор. Табиийки, сурат деганда кишининг ташқи кўриниши – қадди-басти, юз қиёфаси, кийиниши тушунилади. Сийрат эса, бир сўз билан айтганда, унинг ички дунёсидир. Кишининг кимлиги, асл моҳияти унинг сийратида яширин бўлади. Кишининг тили, одамлар билан муомаласи эса бу яширин сирни ошкор этади. Маърифатпарвар аллома Абдулла Авлоний ҳазратлари: "Сўз инсоннинг даража ва камолини, илм ва фазлини ўлчаб кўрсатадурган тарозидир", дейдилар.**

## КИМЛИГИНГ СЎЗИНГДАН БИЛИНАР...

Дарҳақиқат, сўз жами яратиқлар ичида фақат инсонгагина берилган бебаҳо неъмат. Ҳамма гап бу неъматдан қандай фойдаланишда.

Халқимизда: "Яхши гап билан илон инидан чиқади, ёмон гап билан пичоқ қинидан", деган пурмаъно ибора бор. Яхши сўз душманни дўстга айлантириши, беморнинг дардига даво бўлиши, адашганни тўғри йўлга солиши мумкин. Аз-Замахшарий ҳазратлари яхши сўз, панд-насиҳатни садақадан, қўлдан берилган моддий ёрдамдан ҳам устун қўяди. Аммо ўйламай айтилган биргина калом одамлар орасига рахна солиши, нохуш оқибатларга сабаб бўлиши мумкин. "Бошимизга тушадирган қаттиқ кулфатларнинг кўпи юмшоқ тилимиздан келади", дейди Авлоний ҳазратлари сўзида давом этиб. Дарҳақиқат, тилнинг суяги йўқ, унга эрк берсанг нималар демайди.

(Давоми 4-бетда).

## ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

**Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти вилоят ташкилотининг навбатдаги раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ташкилотнинг 2013 йилнинг биринчи ярим йилдаги фаолияти натижалари сарҳисоб қилиниб, иккинчи ярим йилда амалга ошириладиган вазифалар муҳокама этилди.**

Тадбирда вилоят ҳокимлиги, халқ таълими бошқармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, ташкилот томонидан "Обод турмуш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти томонидан 2011-2015 йиллар учун стратегик вазифаларнинг бажарилиши юзасидан қатор ишлар амалга оширилди. Шунингдек, ташкилотнинг туман ва шаҳар бўлимлари ишини фаоллаштириш юзасидан белгиланган дастурий режалар ижро этилди.

Йиғилишда вилоят ташкилотининг келгусидаги вазифалари ҳам кўриб чиқилди. Хусусан, унда республикамиз мустақиллигининг 22 йиллигини муносиб кутиб олиш, жамият томонидан белгиланган стратегик режа ва вазифаларнинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Бу борада вилоят хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва "Нуроний" жамғармаси ҳамда бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек, ташкилотнинг қуйи бўғинлари фаолиятини янада ривожлантириш билан боғлиқ келгусидаги ишлар белгилаб олинди.

**Шаҳло ИСАЕВА.**

Вилоят ҳаёти

## ТЎРТ НАФАРИ ПАРКЕНТДАН

**Чирчиқ шаҳридаги Олимпия захиралари коллежида спортнинг юнон-рум кураши бўйича халқаро мусобақа бўлиб ўтди.**

1997-1999 йилларда туғилган болалар ўртасида ўтказилган турнирда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистонлик ёш полвонлар иштирок этишди. Қизғин кечган беллашувларда умумжамоа ҳисобида юқори натижаларга эришган республикамиз вакиллари сафида иштирок этган Паркент туманидаги 2 Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг 4 нафар ўқувчилари совриндорлар қаторидан жой олишди.

## УЮШМАНИНГ ЯНГИ ТАШАББУСИ

**Республика "Ҳунарманд" уюшмасининг Қибрай тумани бўлими саъй-ҳаракати билан Фарғона вилоятидаги "Марғилон ипак гиламлари" корхонасидан 12 та дастгоҳ келтирилди.**

Водийдан олиб келинган дастгоҳлар Тузель қишлоғининг "Гулзор" маҳалласидаги хонадонларга жойлаштирилди. Уларга Марғилондан келган гилам тўқиш усталари 3 ой мобайнида гиламдўзлик сир-асрорларини ўргатишади.

Туманда жорий йил ва 2014 йил мобайнида ҳар бир қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудида тўқимачиликни ривожлантириш ҳисобига 10-12 тадан касаначилик иш ўринлари яратиш режалаштирилмоқда.

Бу 200 дан зиёд янги иш ўринлари пайдо бўлади, дегани.

Муҳими, бу ерда тўқилган ипак гиламларнинг 100 фоизи буюртма асосида экспортга жўнатилади.

## УЛАР ЭРТАГА ТАДБИРКОР

**"Диплом билан бизнесга – 2013" лойиҳаси доирасидаги тадбирларнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унинг якуни бўйича нуфузли ҳайъат томонидан энг истиқболли лойиҳа деб топилган бир қатор иштирокчиларга махсус дипломлар топширилди.**

– Мен ушбу танловда ўзимнинг "Чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш истиқболлари" мавзусидаги бизнес лойиҳам билан иштирок этдим, – дейди танлов ғолибларидан бири Паркент туманидаги Агросаноат ва ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи 3-босқич талабаси Исроил Тўхтаев. – Ҳайъат томонидан бизнес режамнинг юқори баҳоланганлиги ва уни ҳаётга татбиқ этиш учун "Микрокредит банк"нинг туман бўлими томонидан имтиёзли кредит ажратилаётганидан жуда мамнунман.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА**

Вилоят ҳаёти

**Ҳимояланиш институтининг ҳуқуқий асосини авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил қилади. Жумладан, Конституциянинг 22-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди, 26-моддада судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади ҳамда 116-моддада эса, тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун фаолият кўрсатади.**

# АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ

Адвокатура фаолиятини Ўзбекистон Республикаси "Адвокатура тўғрисида"ги ҳамда "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги Қонунлар тартибга солади. "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ олий юридик маълумотга эга бўлган ва адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни белгиланган тартибда олган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикасида адвокат бўлиши мумкин.

"Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрдаги Қонуни билан ушбу қонунлар такомиллаштирилди.

Ана шу ислоҳотларнинг муҳим омили сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Фармонга асосланиб, Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси негизида Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасини ташкил қилиш белгиланди.

"Адвокатура тўғрисида"ги Қонун ҳар томонлама такомиллаштирилди. Жумладан, адвокатлик фаолиятини лицензиялаш ва адвокатлик тузилмаларини ташкил этиш талаблари такомиллаштирилди. Лицензия олиш учун адвокат мақомига талабгор шахс юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга ҳамда адвокатлик тузилмасида камида олти ой стажировка ўтаган, шунингдек малака имтиҳонини топширган бўлиши шартлиги белгилаб қўйилди.

Бу эса, ўз навбатида, адвокатура соҳасига билимли ва малакали кадрларнинг кириб келишини таъминлаш, касб этикаси қоидалари, сири ва қасамёдини бузганларга нисбатан интизомий чоралар қўллашга олиб келади.

Бугунги кунда вилоят адлия бошқармаси томонидан малака имтиҳонини муваффақиятли топширган 345 нафар талабгорларга адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар берилган. Шундан вилоят ҳудудидаги 123 та адвокатлик тузилмаларида 210 нафардан ортиқ адвокатлар фаолият кўрсатиб келмоқда. Қолган адвокатлар Тошкент шаҳар ҳудудидаги адвокатлик тузилмаларида фаолият кўрсатмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов айтганидек, ҳозирги вақтда мамлакатимизда прокурор ва адвокатнинг тенглигини, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд фаолиятининг барча босқичларида ўзаро тортишув бўлишини таъминлашга, одил судловнинг сифати ва тезкорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

**Ш. ҲАЙДАРОВ,**
**Л. ЮСУПОВ,**
**вилоят адлия бошқармаси масъул ходимлари.**

# ОММАВИЙ МАДАНИЯТ – НИҚОБЛИ ХУРУЖ

**"Ўзметкомбинат" ОАЖ Касаба уюшма қўмитаси маънавият ва маърифат бўлими ҳамда "Камолот" ЁИҲ бошланғич ташкилоти ҳамкорлигида Обод турмуш йилига бағишлаб, комбинатга қарашли 9-сонли мактабгача тарбия муассасасида "Ёшлар оммавий маданиятга қарши" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

Тадбирда мактабгача тарбия муассасаларида меҳнат қилаётган ишчи-ходимлар иштирок этишди.

Давра суҳбатига таклиф этилган мутахассислар томонидан бугунги глобаллашув шароитида турли шаклдаги, хусусан, "оммавий маданият" кўринишдаги мафкуравий хуружларга қарши курашда энг аввало оила, ота-она тарбияси муҳим эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Тадбир сўнгида мутахассислар саволларга атрофлича жавоб беришди.

**Зилола АЛИЕВА.**

Ўқув йилига тайёргарлик

# ЭЪТИБОРГА ТУШИШНИНГ ЎЗИ БЎЛМАЙДИ

**Чинозлик ўғил-қизлар маза қилиб ҳордиқ чиқараётган бир пайтда улар таълим оладиган мактабларнинг раҳбарлари-ю устозлари дам олиш нималигини билишмаяпти. Чунки янги ўқув йилига оз қолди. Ҳозирга қадар тумандаги 46 та умумтаълим мактабининг барчаси жорий таъмирланиб, ўқувчилар келишига тахт қилиб қўйилди. Мактабларни таъмирлаш билан бирга ҳудудларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам эсдан чиқаётгани йўқ.**

Туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мазкур ишларга фақатгина "юқори ташкилотнинг талабини бажариш" сифатида қараётгани йўқ. Шу сабабли таъмир ва ободончиликни яхши йўлга қўйган умумтаълим мактаблари ўртасида танлов эълон қилди. Мақсад мактаб жамоаларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш. Танловда муносиб қатнашамиз, қимматбаҳо совғалардан бебаҳра қолмайлик, деганлар югур-югурга тушиб қолишди. 41-, 10- ҳамда 26-умумтаълим мактаблари танлов ғолиблари дея эълон қилинганида уларнинг раҳбарлари шунча ҳаракатлари зое кетамаганига хурсанд бўлишди. Қолаверса, ўз ўқувчилари олдида ҳам юзлари ёруғ бўлди. Энди улардан янада аъло баҳоларга ўқишни талаб қилишлари мумкин. Улар учун яратиб қўйилган шундай яхши шароитларда фақат "5" баҳоларга ўқимаслик уят ҳисобланади.

– Мактабимиз энг яхшилар қаторида тилга олинганидан бениҳоя хурсандман, – дейди 10-умумтаълим мактаби раҳбари Зуҳра Иброҳимова. – Ҳозир мактабимизни кўрган одамнинг кўзи қувнайди. 80 сотих майдонда 200 дан ортиқ мевали дарахт, 1500 та терак, 170 та арча ва 4000 га яқин 25 хил турли-туман манзарали гулларни яхши ниятлар билан экдик. Бу ишларда ҳомийларимизнинг ҳиссаси катта бўлди. Улар қамишдан бел боғлаб, хизмат қилишди. Қўли очиқ инсонларнинг борига шукур.

**Хуршида НАЗАРОВА.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**



Ёшлар тарбияси – долзарб масала

**Вилоят хотин-қизлар қўмитаси Республика бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонованинг "Маҳалла ёшларининг тарбияси, уларни 12 йиллик мажбурий таълим жараёнига қамраб олиш ҳамда қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, эрта туғиш ва эрта турмушга чиқиш ҳолатларига йўл қўймаслик, ҳамкорлик тизимини яратишга оид муҳим масалалар ҳақида"ги тақдимот материалларини ўрганишга бағишлаб ўтказаётган семинар машғулотларнинг навбатдагиси Янгийўл тумани ҳокимлигида бўлиб ўтди.**

# БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Хотин-қизлар қўмиталари, унинг бошланғич ташкилотлари, "Маҳалла", "Нуроний", "Камолот", "Соғлом авлод учун" жамоат ташкилотлари, вилоят, туман ИИБ ҳамкорлигида уюштирилган тадбирга маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, маслаҳатчилар, участка нозирлари, маҳалла посбонлари, мактаб, коллеж ва академик лицей раҳбарлари, ўқитувчилар ва бошқалар таклиф этилди. Унда вилоят хотин-қизлар қўмитаси, "оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўлими котибият мудири Кифоятхон Эрмуҳаммедова сўзга чиқиб, ҳамкорлик тизимини яратишга оид кўрсатмаларни слайдлар асосида тушунтириб берди.

– Ҳамкорлик тизимини яратишга оид муҳим масалалар, аслида сизу бизга нотаниш эмас, – деди Кифоят Эрмуҳаммедова. – Сиз бу масалаларга фаолиятингиз давомида кўп дуч келгансиз. Лекин ўз ишимизни изчиллик билан бажаришимиз учун ҳам бу масалаларни чуқур ўрганишимиз, аввало ўзимиз аниқ тасаввурга эга бўлишимиз лозим. Кўриб турганингиздек, 6 босқичга бўлинган иш жараёни, барча жамоат ташкилотлари ўртасидаги яқин ҳамкорлик тизимига асосланган. 1-босқичда фуқаролар йиғинларида тузиладиган ишчи гуруҳлари ҳар ҳафта, айтайлик шанба куни йиғилиб, ўзаро фикр алмашади, ахборот беришади. 2-босқичда эса маҳалла фуқаролар йиғинлари маслаҳатчиси ва хотин-қизлар қўмиталари бошланғич ташкилоти секторлари (саломатлик, таълим ва тарбия, оилага кириши, бандлик, жиноятчиликнинг олдини олиш (профилактика) бўйича жамоатчилик гуруҳи тузилади. Ҳар бир секторнинг иш жараёнини слайдларда кўриб турибсиз...

Айниқса, 3-босқичда ижтимоий ҳамкорлик янада яққолроқ намоён бўлади. Унда вилоят ИИБ, хотин-қизлар қўмитаси ва соғлиқни сақлаш бошқармаси, шунингдек, шаҳар, туман, маҳаллардаги 3 та масъул шахс ҳар куни соат 8.00 дан 8.30 гача тегишли масала юзасидан боғланиб туриши шарт. Шунингдек 4-, 5-, 6-босқичларда ҳам хотин-қизлар бошланғич ташкилотлари, маслаҳатчилар биргаликда маҳаллалардаги энг обрўли хонадон, оилаларнинг энг ибратли фарзандларидан 10-15 нафарини жалб этган ҳолда "Камолот" ЁИҲ раҳбарлари назоратга олиб боришади. "Ораста қизлар давраси" фаолияти ҳам ижтимоий ҳамкорлик тизимининг ўзига хос қирраларини намоён этишини таъкидлаш лозим...

Қисқаси, семинар иши барчада катта қизиқиш уйғотгани бор гап. Ёшлар тарбияси – долзарб масала сифатида кўрилаётгани эса бежиз эмас. Зеро 12 йиллик мажбурий таълимга эътиборсиз қараётган, қизлар тарбияси, эрта туғиш, эрта турмушга чиқиш, ёш оилаларнинг бузилишига йўл қўйилаётган ҳолатлар онда-сонда бўлса ҳам учраб турибди. Семинар давомида музокарага чиққанлар бу ҳақда ўз фикрларини рўй-рост айтишиб, камчиликларни бартараф этишда ҳамкорлик тизими ниҳоятда зарур эканлигини таъкидлашди. Семинарда шунингдек, тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш масаласи ҳам эътиборда туриши зарурлиги, бу ишга мутасадди раҳбарлар, депутатлар, маҳаллалар раислари, фаоллари жалб этилиши лозимлиги таъкидланди.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**Вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида "Вилоят умумтаълим мактабларида чет тиллар ўқитилишини ташкил этишнинг долзарб муаммолари: ечимлар ва галдаги вазифалар" мавзусида ўқув-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

# БИЛИМ, КЎНИКМА ВА ТАЖРИБА

Тадбирда Юртбошимизнинг "Чет тилларни ўрганиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг вилоятдаги ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз борди.

Унда иштирок этганлар 1-синф ўқувчиларига қандай дарс бериш, қайси методлардан фойдаланиш бўйича янада кўпроқ амалий билимларга эга бўлишди.

**Ўз мухбиримиз.**

# ДИҚҚАТ: ХАВФЛИ ҲУДУД

**Темир йўл ва унда қатновчи поездлар юкларимизни манзилига ташувчи, узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилувчи восита ҳисобланади. Ҳозирда республикамиз 700 дан зиёд темир ва автомобиль йўллар кесишмалари бўлиб, унинг фақат 23 фоизи қўриқланадиган ҳудудга киради. Шу боис барча кесишмаларда автомобиль ҳайдовчилари ҳушёрликка, касб тажрибаси ва белгиланган тартиб-қоидаларга қатъий риоя этишлари зарур.**

Сир эмаски, аҳолимиз фаровонлиги йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ҳар уч хонадоннинг бири ўз шахсий автомобилига эга. Шу сабабли автотранспорт ҳайдовчиларининг масъулияти ва жавобгарлиги ҳам шунга нисбатан бўлмоғи даркор. Автомобиль бошқариш ҳуқуқлари ва йўл ҳаракати қоидаларининг бажарилиши замон талаблари даражасида ва юқори савияда бўлишлиги талаб этилади.

Афсуски, темир ва автомобиль йўллар кесишмаларидаги айрим ҳолатларда бунинг аксини кўришимиз мумкин. Сўнгги вақтларда ҳайдовчилар кесишмалардан ўтиш қоидаларини қўпол равишда бузиши ҳолатлари кўпайганлиги ачинарлидир. Оқибатда шу йилнинг ўтган вақтида 16 та поезднинг автомобиллар билан тўқнашуви ва поездларнинг автомобилларни босиб кетиши ҳолатлари содир этилди. Натижада 4 нафар инсоннинг умри бевақт хазон бўлди. Одамларнинг мулкига жиддий зарар етказилди.

Темир ва автомобиль йўллар кесишмаларида рўй берган бахтсиз ҳодисаларнинг республика миқёсидаги таҳлили шуни кўрсатадики, нохуш ҳолатлар Тошкент вилоятида 1 та, Фарғона, Самарқандда 3 та, Хоразм вилоятида 1 та, Қашқадарё вилоятида 4 та, Сурхондарё вилоятида 2 та, жами 16 та содир этилди.

Бу каби хунук ҳолатларнинг келиб чиқиши биринчи навбатда автомобиль ва трактор ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати хавфсизлик қоидаларини қўпол равишда бузиши, уларнинг ҳушёрлиги ва билим савиясининг пастлиги, бу соҳага мутасадди ходимларнинг автокорхона, маҳалла ва жамоа жойларида тушунтириш ишларини олиб боришмаётганига тақаляпти.

"Ўздавтемирйўлназорат" инспекцияси ходимлари вилоят йўл ҳаракати бошқармаларига темир ва автомобиль йўл кесишмаларида салбий ҳолатларни содир этаётган ҳайдовчилар тўғрисида маълумот ва далолатномалар тақдим этиб келишмоқда. Лекин, минг афсуски, юборилган хатларнинг атиги 22 фоизигагина жавоб бериляпти.



Темир йўлларда юк ташиш ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш учун инспекция ходимлари "Ўзбекистон темир йўллари" компанияси ходимлари билан ҳамкорлик қилишмоқда. Темир йўл транспорти фаолиятига хавф солувчи камчилик ва нуқсонлар аниқланиб, ўз вақтида бартараф қилинмоқда.

"Ўздавтемирйўлназорат" инспекцияси сизларга темирйўл ҳудудлари ўта хавфли эканлигини яна бир марта эслатади. Темир йўл транспорти мамлакат иқтисодиёти ривожининг омилидир. Йўловчи ва юкларни хавф-хатардан асраш фақат темирйўл ходимларининг эмас, балки барчамизнинг фуқаролик бурчимиздир.

**А. ҚАЛИМБЕТОВ,**
**"Ўздавтемирйўлназорат" инспекцияси ахборот хизмати бошлиғи.**

**Одам савдоси – инсон қадр-қимматига таҳдид солаётган трансмиллий уюшган жиноятчилик кўринишларидан бири бўлиб, унинг чегара танламаслиги, домига асосан ёшлар ва аёлларни тортаётганлиги билан барчада катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда. Афсуски, бағрикенг, меҳнаткаш, андишали юртдошларимиз орасида пул, бойлик учун ҳар қандай пасткашликдан ҳам тап тортмайдиганлари учраб турибди. Улар юқори маошли иш, орзуларнинг ушалиши, гўзал ҳаёт ваъда қилиб, содда одамларни, айниқса, аёлларни ўз "тўр"ларига илинтиришаяпти.**

# ОГОҲ БЎЛАЙЛИК

Бу хавфнинг жамиятимизга олиб келиши мумкин бўлган салбий оқибатларини чуқур англаган ҳолда ўтган йилларда республикамизда бундай жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, мамлакатимиз одам савдосига қарши курашиш ва унинг қурбонларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро ҳужжатларга қўшилди ва улар ратификация қилинди. Мазкур халқаро-ҳуқуқий нормалар доирасида одам савдосига қарши кураш фаолиятини тартибга солувчи миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, уларни амалга татбиқ этиш чоралари кўрилди.

Шу маънода 2008 йил 17 апрелдан кучга кирган "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш, бу турдаги жиноятлардан жабрланганларни ҳимоя қилиш борасида муҳим босқич бўлди. Ушбу қонунда бу иллатга қарши кураш тамойиллари, усуллари ҳамда нормалари ҳуқуқий тартибга солинган. Бундан ташқари, унга қарши курашиш ва олдини олиш, кенг халқ оммаси ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш ва энг асосийси, ушбу жиноятдан жабрланганлар онгига улар давлатимизнинг ишончли ҳимоясида эканлигини теранроқ сингдириш мақсадида "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун асосида одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси тузилди. Ўзбекистон республикаси Президенти томонидан Идоралараро комиссиянинг фаолият кўрсатиш тартиби белгиланиб, унга раҳбарлик қилиш Республика Бош прокурорига топширилди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар тузилган бўлиб, уларга вилоят ва шаҳар ҳокимлари раҳбарлик қилиши белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, мазкур қонунга мувофиқ ҳамда одам савдосига қарши курашиш фаолиятини такомиллаштириш мақсадида, Юртбошимиз томонидан 2008 йилнинг 8 июлида "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" Қарор қабул қилиниб, 2008-2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича Миллий тадбирлар режаси тасдиқланди ҳамда ижрога берилди.

Ўтган вақт мобайнида мазкур режа асосида мамлакатмизда одам савдосига қарши курашиш борасида олиб борилаётган ишлар кўлами кескин жонланди, бундай иллатлардан фуқароларимизни ҳимоя қилишнинг аниқ чоралари кўрилди, айбдорларга жазо муқаррарлиги таъминланмоқда.



Одам савдосига қарши курашиш масалаларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тиббиёт ва таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, кенг жамоатчилик билан яқиндан ҳамкорлиги таъминланди. Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация маркази ташкил этилди.

Юқорида баён этилганларни ўқиган айрим фуқаролар хорижга бориб ишлаб бўлмас экан-да, деган хулосага келиши мумкин. Бу нотўғри, албатта. Мамлакатимизда ишлаш учун чет элга чиқишнинг қонун билан белгиланган тартиб-қоидалари бор ва бу йўналишда ваколатли идоралар фаолият юритмоқда.

Аввало, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан республикамиз фуқароларининг чет элларда меҳнат фаолиятини тартибга солишга доир бир қатор қарорлар қабул қилинган. Мазкур қарорларда ташқи меҳнат миграциясини давлат томонидан бошқариш, республикамиз фуқароларининг чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чиқиб кетишини ташкил этиш тизими ва унинг механизмлари аниқ белгилаб берилган. Жумладан, республикамиз фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тартибга солинади. Ушбу қарор билан республикамиз фуқароларининг чет элларда ишга жойлашишини таъминлайдиган меҳнат органлари инфратузилмасини ташкил этиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолияти тартиби тўғрисидаги Низом ҳам тасдиқланган. Мазкур Низомга кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чет элларда меҳнат фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳукуматлараро, идоралараро шартномалар ва битимлар асосида, фақат ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ҳамда фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий бюроларнинг кўмагида меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда амалга ошириш ҳуқуқига эга эканликлари белгилаб қўйилган.

Ушбу тартиб-қоидаларга амал қилмай чет элга ишлаш учун чиқиб кетганлар, кейинчалик одам савдоси деб аталган мудҳиш жиноят қурбонларига айланмаслигига ҳеч ким кафолат бермайди. Чунки, юқорида баён этганимиздек, қонуний йўл билан хорижга ишлашга кетганлар давлат ҳимоясида бўлиб, ҳеч қандай тазйиқларга учрамайдилар. Акс ҳолда эса...

Ҳа, масаланинг иккинчи томонида аҳвол ўзгача. Энг ачинарлиси, айрим ҳамюртларимиз бу ишлар тубан ҳамда ғайриқонуний эканлигини билсаларда, ҳаром даромад илинжида одам савдоси билан шуғулланишни давом эттирмоқдалар. Улар бу билан миллатимиз ғурурига доғ тушириб, ор-номус ва диёнатларидан айрилишмоқда. Ўз қўшнисини, маҳалладошини, қолаверса, ўз ватандошини ширин ваъдалар билан алдаб, иссиқ уйидан ажратиб, узоқ юртларга қул қилиб сотиб юборишмоқда. Бундай кимсаларни инсон дейишга ҳам тил бормайди. Ахир ўз миллатини, ўз юртини камситиб, ўз оға-инисини четга пуллаётган, шу элнинг нону тузини еган, шу азиз заминнинг сувини ичиб улғайган ва охир-оқибатда шу муқаддас тупроққа туфлаб, ўз шаънини булғаётган кимсаларни ким деб аташ мумкин? Нима бўлганда ҳам, юртимизда инсон шаъни ва қадр-қиммати муқаддас ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, огоҳ ва ҳушёр бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди, уларга қарши курашиш фақат прокуратура ёки ҳуқуқ-тартибот идораларининг иши эмас, балки барча ҳамюртларимизга ҳам тааллуқлидир. Унинг умуммиллий фожиа эканлиги ва ёмон оқибатларга олиб келишини унутмаслигимиз шарт.

**Ботир ИРИСМЕТОВ,**
**Шайхонтоҳур туман прокурори вазифасини бажарувчи.**

# ХОРИЖДА ИШЛАШНИНГ МАСЪУЛИЯТИ БОР

**Вилоят маънавият ва маърифат марказида шаҳар ва туманларимизда меҳнат мигрантларини рўйхатга олиш механизми бўйича олиб борилаётган ишларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

Унда вилоят, шаҳар ва туман ҳуқуқ-тартибот идоралари бошлиқлари, ижтимоий соҳага алоқадор ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда асосий эътибор вилоятдан хорижга ишлаш учун кетаётган фуқароларнинг фаолияти мониторингини тўла йўлга қўйиш ва шу орқали уларнинг назоратини ташкил этиш масаласига қаратилди. Бундан мақсад, авваламбор чет элларга бориб, мавсумий ишлаб келаётганларга ижтимоий, тиббий ёрдам, қолаверса, ўзга юртларда нохуш вазиятларга тушиб қайтган юртдошларимизга реабилитация марказларида хизматлар кўрсатишни ташкил қилишдир. Хорижда турли экстремистик гуруҳларга қўшилиб қолишнинг олдини олиш, соғликлари ёмонлашганда, кўнгилсиз ёки баҳсбоп ҳоллар юз берганда улар юрган давлатнинг тегишли ташкилотлари орқали муаммоларни бартараф этиш кўзда тутилган.

Бунинг учун вилоятда махсус мониторинг гуруҳи фаолият олиб бораётгани йиғилишда таъкидланди. Эндиликда ушбу гуруҳ фаолиятини янада такомиллаштириш борасида зарур чора-тадбирларни белгилаш лозимлиги ҳам алоҳида қайд этилди.

Йиғилишни вилоят ҳокими ўринбосари Алимардон Қаршиев олиб борди.

**"SPARETRA" МЧЖда 2013 йил 20 июндан 2013 йил 20 июлгача ўтган кимошди савдо натижалари тўғрисида маълумот**

| Савдо санаси | Ким томонидан савдога қўйилган | Автотранспорт номи, ишлаб чиқарилган йили ва давлат рақами | Бошланғич баҳоси (сўм) | Сотилиш баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 24.06.2013 | Бекобод шаҳар СИБ | 1977 й. и.ч. "Ваз 2103", д.р. 11 V 9796 | 900 000 | 960 000 |
| | | 1981 й. и.ч "ГБА-Ваз-2103-СПГ", д.р. 10 G 884 EA | 1 400 000 | 1 490 000 |
| | Бектемир тумани СИБ | 1987 й. и.ч. "Ваз 21061 СПГ", д.р. 01 O 312 JA | 5 400 000 | 5 730 000 |
| 01.07.2013 | Бўка тумани СИБ | 1992 й. и.ч. "Газ 5312", д.р. 10 861 QAA | 2 504 571 | 2 670 000 |
| | | 1987 й. и.ч. "Ваз-21063", д.р. 10 C 998 BA | 1 571 000 | 1 680 000 |
| | Янгийўл тумани СИБ | 2006 й. и.ч. "Матиз", д.р. 01 V 638 CA | 11 949 336 | 12 670 000 |
| | Бўка тумани СИБ | 2003 й. и.ч. "Daewoo Нексия", д.р. 10 575 MAA | 21 244 000 | 22 520 000 |
| | Чиноз тумани СИБ | 1987 й. и.ч. "М-412", д.р. 10 B 411 AA | 279 327 | 310 000 |
| | Қуйи Чирчиқ тумани СИБ | "ПДСУ – 30" Драбилка ускунаси | 94 500 000 | 100 500 000 |
| 04.07.2013 | Бектемир тумани СИБ | 2012 й. и.ч. "Нексия-Донс-150", д.р. 01 X 036 KA | 29 422 710 | 31 195 000 |
| | Мирзо Улуғбек тумани СИБ | 2011 й. и.ч. "Спарк", д.р. 01 S 464 JA | 27 000 000 | 28 620 000 |
| | Бектемир тумани СИБ | 2008 й. и.ч. "Дамас", д.р. 10 350 AAA | 20 995 200 | 22 260 000 |
| 05.07.2013 | Юнусобод тумани СИБ | 2008 й. и.ч. "Лада-21703-114-01", д.р. 01 416 CAA | 19 073 000 | 20 300 000 |
| 08.07.2013 | Қибрай тумани СИБ | 1996 й. и.ч. "Газ-330210", д.р. 10 265 UAA | 7 409 800 | 7 900 000 |
| | | 2009 й. и.ч. "Матиз", д.р. 01 M 023 CA | 7 667 043 | 8 180 000 |
| | Олмалиқ шаҳар СИБ | 2006 й. и.ч. "ГБА СПГ – Нексия", д.р. 10 X 933 BA | 15 079 000 | 21 000 000 |
| | Чирчиқ шаҳар СИБ | 1984 й. и.ч. "Зил-130", д.р. 11 AV 756 | 8 320 062 | 8 860 000 |
| | Зангиота тумани СИБ | "Металл профилига ишлов берувчи (профнастил ишлаб чиқарувчи)" ускуна | 3 940 582 | 4 240 000 |
| | | "Буғдойни қайта ишлаб чиқариш ускунаси" (тегирмон) | 59 437 474 | 63 100 000 |
| | Қибрай тумани СИБ | 2010 й. и.ч. "Ласетти", д.р. 10 705 RAA | 33 068 800 | 35 200 000 |
| 15.07.2013 | | 2009 й. и.ч. "Матиз", д.р. 01 J 383 CA | 8 058 756 | 8 700 000 |
| | | 1990 й. и.ч. "ГБА-СПГ-М-412", д.р. 10 F 508 BA | 633 000 | 680 000 |
| | | 1990 й. и.ч. "ГБА-СПГ-ГАЗ 2417", д.р. 10 A 673 AA | 1 500 000 | 1 620 000 |
| | Бўстонлиқ тумани СИБ | 2004 й. и.ч. "Хундай Старекс", д.р. 10 K 314 DA | 17 800 000 | 19 000 000 |
| 18.07.2013 | Миробод тумани СИБ | 1975 й. и.ч. "Ваз-2103", д.р. 30 U 0113 | 1 518 794 | 1 655 000 |
| | Бектемир тумани СИБ | 2010 й. и.ч. "Эпика", д.р. 01 O 292 HA | 49 498 444,80 | 52 500 000 |
| 19.07.2013 | Қибрай тумани СИБ | 2010 й. и.ч. "Матиз" д.р. 10 P 109 DA | 8 026 975 | 8 650 000 |

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (+99871) 212 89 55.

**"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖда 2012 йил 20 июндан 2013 йил 20 июлгача ўтган кимошди савдо натижалари тўғрисида маълумот**

| Савдо санаси | Ким томонидан савдога қўйилган | Кўчмас мулк номи ва манзили | Бошланғич баҳоси (сўм) | Сотилиш баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 24.06.2013 | Мирзо Улуғбек тумани СИБ | Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 30.04.2013 й. № 45371/12-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Марказ-2 мавзеси, 8-уй, 69-хонадон | 55 862 900 | 59 315 000 |
| | | Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 30.04.2013 й. № 45371/12-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 2-уй, 42-хонадон | 111 108 000 | 117 850 000 |
| 01.07.2013 | | Мирзо Улуғбек тумани, Хамид Олимжон майдони, "Пойтахт бизнес мажмуаси" ғарбий қисми, "Л" блокда жойлашган умумий майдони 72 кв.м. бўлган савдо дўкони | 137 810 000 | 146 090 000 |
| | | Мирзо Улуғбек тумани, Хамид Олимжон майдони, "Пойтахт бизнес мажмуаси" ғарбий қисми, "Ж" блокда жойлашган умумий майдони 110 кв.м. бўлган савдо дўкони | 217 260 000 | 234 660 000 |
| 05.07.2013 | Учтепа тумани СИБ | Учтепа тумани СИБ томонидан 21.04.2011 й. ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, 12-мавзе, 33-уй, 9-хонадон | 67 576 079 | 77 100 000 |
| 08.07.2013 | Бекобод шаҳар СИБ | Бекобод шаҳар СИБ томонидан 14.11.2011 й. № 13129-сонли ижро ҳужжатига асосан Бекобод шаҳри, Аббосова кўчасида жойлашган цемент омборхонаси ва ёнидаги қурилиши тугалланмаган савдо дўкони | 73 300 259 | 77 850 000 |

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Юбнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (+99871) 212 89 55.

**"SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 15.02.2012 й. № 3917-сонли ижро ҳужжатига асосан 1979 й. и.ч. "Ваз 2102" д.р. 11 P 6347. Бошланғич баҳоси – 358 482 сўм. 2. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 25.02.2010 й. № 850-сонли ижро ҳужжатига асосан 1976 й. и.ч. "М-412 ИЭ" д.р. 11 G 4538. Бошланғич баҳоси – 151 745 сўм. 3. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 14.11.2011 й. № 13129-сонли ижро ҳужжатига асосан 1977 й. и.ч. "Уаз-452" д.р. 11 L 4829. Бошланғич баҳоси – 395 542 сўм. 4. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 19.03.2010 й. № 1618-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. и.ч. "Заз-968-М" д.р. 11 S 1813. Бошланғич баҳоси – 49 149 сўм. 5. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 23.07.2012 й. № 7692-сонли ижро ҳужжатига асосан 1984 й. и.ч. "Москвич 2140" д.р. 11 V 5694. Бошланғич баҳоси – 435 076 сўм. 6. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 15.02.2012 й. № 3916-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. и.ч. "Иж 21-25" д.р. 11 I 2296. Бошланғич баҳоси – 372 665 сўм. 7. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 01.08.2011 й. № 7916-сонли ижро ҳужжатига асосан 1982 й. и.ч. "Москвич" д.р. 10 F 897 DA. Бошланғич баҳоси – 298 813 сўм. "Бекобод Савдо" МЧЖ омборида сақланмоқда. 8. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 15.08.2011 й. № 10379-сонли ижро ҳужжатига асосан 1991 й. и.ч. "ДТ-75" д.р. сиз. Бошланғич баҳоси – 4 279 737 сўм. "Зафар қурилиш инвест" МЧЖ омборида сақланмоқда. 9. Бўка тумани СИБ томонидан 12.05.2008 й. № 11-0827/5280-сонли ижро ҳужжатига асосан 1994 й. и.ч. "2 ПТС 4-793" д.р. сиз. Бошланғич баҳоси – 647 118 сўм. 10. Бўка тумани СИБ томонидан 12.05.2008 й. № 11-0827/5280-сонли ижро ҳужжатига асосан 1993 й. и.ч. "2 ПТС 4-793" д.р. сиз. Бошланғич баҳоси – 599 472 сўм. 11. Бўка тумани СИБ томонидан 12.05.2008 й. № 11-0827/5280-сонли ижро ҳужжатига асосан 1994 й. и.ч. "2 ПТС 4-793" д.р. сиз. Бошланғич баҳоси – 647 118 сўм. 12. Бўка тумани СИБ томонидан 12.05.2008 й. № 11-0827/5280-сонли ижро ҳужжатига асосан 1995 й. и.ч. "2 ПТС 4-793" д.р. сиз. Бошланғич баҳоси – 749 339 сўм. 13. Бўка тумани СИБ томонидан 12.05.2008 й. № 11-0827/5280-сонли ижро ҳужжатига асосан 1996 й. и.ч. "2 ПТС 4-793" д.р. сиз. Бошланғич баҳоси – 808 899 сўм. 14. Бўка тумани СИБ томонидан 12.05.2008 й. № 11-0827/5280-сонли ижро ҳужжатига асосан 1993 й. и.ч. "T28x4M" д.р. сиз. Бошланғич баҳоси – 8 153 136 сўм. Бўка тумани "Сарбон" корхонаси биноси. 15. Бўка тумани СИБ томонидан 14.06.2009 й. № 1-258-сонли ижро ҳужжатига асосан "Т-28x4МС1" д.р.сиз. Бошланғич баҳоси – 2 758 434 сўм. 16. Бўка тумани СИБ томонидан 14.06.2009 й. № 1-258-сонли ижро ҳужжатига асосан "2 ПТС 4-793" д.р. сиз. Бошланғич баҳоси – 697 369 сўм. 17. Бўка тумани СИБ томонидан 22.12.2008 й. № 1-369-сонли ижро ҳужжатига асосан 1993 й. и.ч. "Газ-31029" д.р. Z 721 MBM. Бошланғич баҳоси – 1 697 549 сўм. 18. Бўка тумани СИБ томонидан 05.09.2011 й. № 391-сонли ижро ҳужжатига асосан "Опел" д.р. сиз. Бошланғич баҳоси – 3 576 598 сўм. 19. Бўка тумани СИБ томонидан 11.05.2009 й. № 11-0906/6204-сонли ижро ҳужжатига асосан 1974 й. и.ч. "КАВЗ 685" д.р. 11 AG 524. Бошланғич баҳоси – 3 282 000 сўм. 20. Бўка тумани СИБ томонидан 05.04.2010 й. № 11-1033/3899-сонли ижро ҳужжатига асосан 1986 й. и.ч. "Газ-52" д.р. 10 864 QAA. Бошланғич баҳоси – 5 395 229 сўм. 21. Бўка тумани СИБ томонидан 05.04.2010 й. № 11-1033/3899-сонли ижро ҳужжатига асосан 2001 й. и.ч. "Уаз 31512" д.р. 11 AJ 733. Бошланғич баҳоси – 7 541 000 сўм. Бўка тумани ДСИ биносида сақланмоқда. 22. Қибрай тумани СИБ томонидан № 7442-сонли ижро ҳужжатига асосан "Дневной лампа TL-D18W". Бошланғич баҳоси – 143 779 320 сўм. 23. Қибрай тумани СИБ томонидан № 7442-сонли ижро ҳужжатига асосан "Дневной лампа TL-D36W". Бошланғич баҳоси – 4 562 280 сўм. Қибрай тумани, Салар ш.ф.й., "Интер Роҳат" қўшма корхонасида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 8 август куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари ва мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси ва мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси ва мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "SPARETRA" МЧЖнинг "Ипотека банк" АТИБ Шайхонтохур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004887305001, МФО 00425, СТИР 301829604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси ва мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55.

Гувоҳнома № 004593.

**"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Савдога Юқори Чирчиқ туман СИБ томонидан: Тошкент вилоят хўжалик судининг 2011 йил 28 январдаги 11-1024/27010-сонли ижро варақасига асосан, "Қишлоқхўжаликкимё" Юқори Чирчиқ туманлараро филиалига тегишли Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Ўртасарой ҚФЙ, Ўртасарой маҳалласи ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 0,2826 га, қурилиш майдони 821,20 кв.м бўлган бино ва иншоотлар такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 147 454 830 сўм.

Савдо 2013 йил 14 август куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 12 август куни соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" ОАИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО 01036, СТИР 207122519 га тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.




**"AGRO SANOAT MULK MARKAZI" МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

2013 йил 20 август куни соат 11:00 да, Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уйда, бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда:

I. Юнусобод тумани СИБ томонидан 2010 йил 18 августдаги 17032/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Проектная кўчаси, 10-уйдаги базада сақланаётган: 1. 1987 йилда и/ч., дав. бел. 10 AR 477 бўлган "Маз-5433" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 9 431 523 сўм. 2. 1987 йилда и/ч., дав. бел. 10 C 133 бўлган "Маз-9380" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 2 128 221 сўм. 3. 1986 йилда и/ч., дав. бел. 10 B 152 бўлган "Маз-9380" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 2 128 221 сўм. 4. 1993 йилда и/ч., дав. бел. 10 AL 136 бўлган "Москвич-2141" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 946 713 сўм. 5. 1991 йилда и/ч., дав. бел. 10 AG 173 бўлган "Москвич-412" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 965 716 сўм. II. Ҳамза туман СИБ томонидан 2012 йил 12 ноябрдаги 1-431/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 2007 йилда и/ч., дав. бел. 30 N 79-77 бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 62 924 000 сўм. 2. 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01 C 909 BA бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 68 240 000 сўм. 3. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 01 M 157 GA бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 66 041 000 сўм. 4. 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01 D 797 BA бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 68 393 000 сўм. 5. 2012 йил 2 февралдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1998 йилда и/ч., дав.бел. 01 W 272 DA бўлган "Леганза" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 16 991 413 сўм. 6. 2012 йил 2 февралдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1995 йилда и/ч., дав. бел. 01 C 479 KA бўлган "Эсперо" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 14 032 709 сўм. 7. 2012 йил 4 сентябрдаги 1-4878/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2006 йилда и/ч., дав. бел. 01 S 197 LA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 17 194 430 сўм. 8. 2012 йил 12 мартдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01 M 002441 бўлган "ISUZU SAZ NP37" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 51 181 001 сўм. 9. 2012 йил 12 мартдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1994 йилда и/ч., дав. бел. 01 C 521 CA бўлган "Мерседес Бенц 100Д" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 12 205 350 сўм. 10. 2012 йил 26 декабрдаги 1-347/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1998 йилда и/ч., дав. бел. 01 551 QBA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 13 609 700 сўм. 11. 2012 йил 23 октябрдаги 1-680/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1994 йилда и/ч., дав.бел. 01 C 580 CA бўлган "БМВ" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 21 470 000 сўм. 12. 2013 йил 12 февралдаги 1-11/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01 G 898 LA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 46 787 500 сўм. 13. 2013 йил 1 февралдаги 1-1009/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1996 йилда и/ч., дав. бел. 01 W 569 KA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 16 312 659 сўм. 14. 2013 йил 8 февралдаги 1-09/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1996 йилда и/ч., дав. бел. 30 R 5531 бўлган "Мерседес Бенц" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 30 210 000 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар эълон чиққан кундан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Ушбу аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосинг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда заклат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Agro sanoat mulk markazi" МЧЖнинг ОАТБ "Капиталбанк" Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР 302159464. Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел.: 250-83-29. Гувоҳнома: 006388.

**Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментининг "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2013 йил 15 июлдаги 45-Баённомасининг қарори билан қуйидаги:**

**Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳридаги "RAXIM-RUSTAM AVTO" МЧЖга тегишли:**

**-"Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳарда енгил автомобилларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш учун 2012 йил 13 март куни берилган "АТ" серияли 000492-рақамли ва "Тошкент вилояти ҳудудида Йўловчиларни шаҳар атрофида автобусларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш учун 2012 йил 24 февраль куни берилган "АТ" серияли 000487-рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2013 йил 16 июлдан бошлаб тиклангaнлиги тўғрисида маълумот беради.**

## Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига танлов ўтказишни қайта эълон қилади!

| | |
|---|---|
| **Олмалиқ шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасига** | **1 нафар** |
| **Олмалиқ шаҳар 5-сон давлат нотариал идорасига** | **1 нафар** |
| **Ўрта Чирчиқ туман 1-сон давлат нотариал идорасига** | **1 нафар** |
| **Янгийўл туман 1-сон давлат нотариал идорасига** | **1 нафар** |
| **Оҳангарон туман 2-сон давлат нотариал идорасига** | **1 нафар** |
| **Ангрен шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасига** | **1 нафар** |
| **Паркент туман 1-сон давлат нотариал идорасига** | **1 нафар** |

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар 2013 йил 16 август кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига мурожаат этишлари лозим.

**Манзил:**

**Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.**
**Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183,184,185.**

"SHOKIR TINCHLIK SAVDO" масъулияти чекланган жамияти "DON DUN PRODUCT" масъулияти чекланган жамиятига бирлашиб кетишини маълум қилади.

"GENERAL BUSINESS GROUP" МЧЖ устав жамғармаси 329 100 000 сўмдан 3 200 000 сўмга камайишини маълум қилади.

"Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ Олмазор филиалига тегишли Қаҳҳорова Саида номига берилган ТХ-1Ш № 1135419, 1135451, 1178850 сонли патталар йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Олмазор туманидаги "MIRAHMAT OTA" МЧЖнинг устав жамғармаси 18 024 176 сўмдан 17 670 500 сўмга камайтирилади ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Шайхонтоҳур туманида рўйхатга олинган "ABDULLOX ISHONCH SAVDO" (ИНН 301777844) МЧЖ устав жамғармаси 457 500 000 сўмдан 12 500 000 сўмга камайишини маълум қилади. Маълумот учун тел.: (+99893) 181-07-09.

Яккасарой туманида рўйхатга олинган Қушбеги-18 манзили бўйича жойлашган "VIQOR-SERVIS" (ИНН 202679144) хусусий фирмасининг мулкчилик шакли масъулияти чекланган жамиятига ўзгараётганини маълум қилади. Тел.: 174-56-50.

Фермерское хозяйство "NAVOLISOY BOG'DORCHILIK VA UZUMCHILIK" (ИНН 301213216), зарегистрированное ИРСП хокимията Бостанлыкского района, Ташкентской области, за № 0000101 от 05.06.2009 г., по решению главы фермерского хозяйство от 22.07.2013г., **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** в добровольном порядке.

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: Ташкентская область, Бостанлыкский район, поселок Сиджак.

ООО "SHODLIK UNUM" (ИНН 302089006), зарегистрированное ИРСП хокимията Шайхонтохурского района, г. Ташкента реестр № 005425-09 от 25.08.2011г., расположенное по адресу: Ибн Сино-2-12-1, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение № 3 от 22.07.2013г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.

Федерации SAMBO Узбекистана (ИНН 202242389), зарегистрированное Министерством Юстиции Республики Узбекистан 26 марта 1997 года и получившая свидетельство о регистрации общественного объединения № 250, расположенное по адресу: г. Ташкент, ул. Фуркат 1, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол от 2 марта 2013г. Объединительной Конференции Федерации Женского САМБО Узбекистана и Федерации САМБО Узбекистана).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.

"YORK GROUP" масъулияти чекланган жамияти (ИНН 302600819) "YORK GROUP" хусусий корхонасига айлантирилишини маълум қилади.

Аввал Яккасарой туман ТСРЎИ томонидан 2013 йил 23 апрелда № 007192-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган "ZULFIYA TEXTILE GROUP" оилавий корхонасининг мулкчилик шакли масъулияти чекланган жамиятига ўзгаришини маълум қилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 645-37-80 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасининг раҳбарияти ва касаба уюшмаси Тошкент вилояти Паркент тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи директори Зокир Тоймасович Нуровга волидаи муҳтарамаси

**ХОЛБИ ая**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Маънавият

# КИМЛИГИНГ СЎЗИНГДАН БИЛИНАР...

Нақл қилишларича, Ҳусайн Бойқаро талабаларга сабоқ бераётган дўсти Алишер Навоийга яқинлашиб, кўрсаткич бармоғи билан бошига ишорат қилади. Алишер Навоий эса унга жавобан бармоғи билан тилига ишора қилади. Подшо "тушундим" дегандай бош ирғайди-да, ортига қайтади. Бу имо-ишоранинг тагига етолмаган талабалар ажабланиб Навоийдан сўрашади.

"Бунинг жавоби оддий, – дейди улуғ шоир, – дўстим мендан бошга бало нимадан келади, деб сўради. Мен бўлсам, тилдан деб жавоб бердим", дейди.

Дарҳақиқат, халқимиз орасида тил ҳақида, тилдан чиқадиган сўз ҳақида айтилган бундай ривоятлар, мақолу ибораларнинг ҳисоби йўқ. "Олдин ўйла, кейин сўйла", "Дилингдагига ҳожасан, тилингдан чиққанига қул", "Жавобга ошиққан хатога йўл қўяр", "Тилингни сақласанг омондир бошинг", "Сўзнинг лаззати уни гапиришда эмас, балки эшитишдадир" каби жуда мухтасар ва лекин пурмаъно ҳикматларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Донишмандлардан бири: "Сўзлашда тақво этиш луқма ва таомдаги тақводан ортиқдир", деган экан. Ростдан ҳам ўйлаб кўрилса, луқмаи ҳалол фақат кишининг ёлғиз ўзи учун манфаатлидир. Лекин сўз тақвосининг аҳамияти катта, кўлами кенг. Сўзи тақволи одам бировни беҳуда ранжитмайди. Ҳудабеҳуда "доно"лик қилиб, одамларни чалғитмайди. Ахир, "Кўп гапирган кўп янглишади" деб бекорга айтилмаган-да.

Яна бир ҳолатни кузатишимиз мумкинки, аҳли донишлар сукутнинг фазилатига алоҳида эътибор беришган. Ҳатто бу ҳақда Расули акрам (с.а.в) дан бир қатор Ҳадислар ҳам ривоят қилинган. Масалан, Ҳадисларнинг бирида: "Сукут сақламоқни ўзингга одат қилгил. Чунки сукут сақлашлик шайтонни ҳайдайди ва динингни сақлашингга ёрдам беради" дейилса, бошқа бирида: "Кимки Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, фақат яхши нарсаларни гапирсин ёки жим турсин", дея марҳамат қилинади. "Нодоннинг жавоби – сукут" деган мақол бор. Оғзига келганини қайтармайдиган, бўлар-бўлмасга тортишаверадиган калтафаҳм, чаламулла кишилар билан баҳслашишдан кўра, сукут сақлаш фойдалироқ эканлиги уқтирилмоқда. Чунки, нодон билан тортишиб обрў топмайди киши. Аммо, шундай ҳолатлар бўладики, сукут сақлаш ноўриндир. Айтайлик, жоҳил бир кимса бировни ноҳақдан ғийбат қиляпти, ёки миллат, жамият, давлат шаънига номуносиб гап-сўзлар, иғволар тарқатяпти – сукут сақлаш мумкинмас. Ўз вақтида унинг жавобини бериш, адолат ҳимоясида туриш лозим бўлади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Нотиқлик муҳим фазилат. Аммо, уни сўзамолликдан фарқлаш лозим. Фикри теран, илмли кишилар суҳбати кишини ўзига жалб этади, маънавий дунёсини бойитади. Сўзамол киши ҳам одамларни маҳорат билан ўзига жалб эта олади. Бироқ, унинг сўзамоллиги остида ғаразли мақсад бўлса, тингловчи содда бўлса, билиб-билмасдан унинг таъсирига тушиб қолиши мумкин.

Энди кўча-кўйда, транспорт ёки бозорларда кишилар, жумладан ёшлангларнинг ўзаро муомала-муносабатларда ишлатиладиган сўзларга келсак. Ёши улуғлар яхши эслайди, бундан бир неча ўн йиллар муқаддам оилаларда, жамоат жойларидаги суҳбат-гурунгларда шарқона лутф ҳозиргига нисбатан бир мунча устун бўлган. Эр-хотин бир-бирига "онаси", "дадаси" дея иззатлаб мурожаат қилишган. Айрим хонадонларда ҳатто болаларни ҳам сенсирашмаган. "Сиз-сиз"лаб гапиришган. Дакки бериш лозим бўлганда ҳам овозларини кўтаришмаган. Керакли ўгитлар майин овозда, эҳтиёткорлик билан тушунтирилган. Қолаверса, пандд-насиҳатдан кўра ота-онанинг бир-бирига нисбатан юмшоқ муомаласи ғоятда ибратли тарбия вазифасини ўтаган. Бугунги кунда эса бундай манзарани (ҳамма оилаларда эмас, албатта) учратиш маҳол. Ёшларимиз гап-сўзлари қурама тиллар йиғиндисига айланиб қолаётгани, бозор-ўчарлардаги айрим сотувчи аёлларимизнинг бир-бирларини ножоиз сўзлар билан "сийлашлари" одатий тусга кириб бораётгани сир эмас.

Тил кўнгил кўзгуси. Кишининг гап-сўзи, муомаласи унинг кимлиги ҳақида тасаввур беради. Тилида парҳез бўлмаган, номақбул сўзларга одатланган киши хайрли оқибат топмайди. Оиласидан тотувлик, барака кўтарилади. Қўни-қўшни, маҳалла-кўйда обрўсига путур етади. Одамлар ундан ўзларини тортадиган, четлаб ўтадиган бўлишади. Зеро, "Агар дилингда қаролик ва баданингда дангасалик ва ризқингда танглик бўлса, билгилки, бунинг сабаби беҳуда ва бемаъно сўзларни кўп сўзлашингдандир, демак, бундан сақлан", дея Ҳадиси қудсийда таъкидлангани бежиз эмас.

**Азимжон АЛИМЖОНОВ,**
**Олмалиқ шаҳар бош имом-хатиби.**

«Ёз – 2013»

# ҲОМИЙЛАРНИНГ САХИЙЛИГИ ТУТДИ

**Ёз келса ҳаммадан кўра болажонларга маза-да! Дам олиш оромгоҳлари ва соғломлаштириш масканлари улар учун мунтазир. Лекин барча болалар ҳам бундай жойларга боролмайди. Оромгоҳларга жалб этилмаган болаларнинг бўш вақтларини қандай қилиб мазмунли ўтказиш мумкин?**



Қибрай туманидаги 3-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ва "Ҳумо" спорт-соғломлаштириш маскани жонкуярлари ҳамкорлигида ўтказилган спорт беллашувларини кузата туриб, бу саволга керакли жавобни олгандек бўлдик. Қибрайлик ўғил-қизларнинг севимли масканига айланган "Ҳумо" ўша куни ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Мусобақа куни бир вақтнинг ўзида миллий кураш, бадиий гимнастика, бокс, дзюдо баҳсларига старт берилди. Уларда жами 250 нафарга яқин спортчи қатнашди.

– Мактабимизда 400 нафардан зиёд бола спортнинг миллий кураш ва бокс турлари билан мунтазам шуғулланиб келишмоқда, – дейди 3-БЎСМ раҳбари Абдурасул Худойберганов. – Мактабимиз республика миқёсида анча машҳур. Бунинг ўзига хос сабаби бор. Биринчи бўлиб бизда қизлар боксига асос солинди. Ҳозирда 20 ўқувчимиз ўзбек қизларидан ҳам яхши боксчилар чиқишини намойиш этиб келмоқдалар. Уларнинг натижалари фахрланишимизга арзигулик.

Шу куни ҳам чарм қўлқоп маликалари бокс жангларини биринчи бўлиб бошлаб беришди. Қибрайлик ёшлар анчадан бери бундай қизиқарли мусобақаларга гувоҳ бўлишмаганди. Бир ёқда курашчилару дзюдочилар беллашган бўлса, бошқа залда гимнастика усталари маҳоратларини намойиш этишди. Томошабинлар баҳсларнинг қай бирини томоша қилишни билмай шошиб қолишди, ҳатто.

Хуллас, мусобақалар кутилганидан ҳам зиёда ўтди. Ғолибларни тақдирлашда ҳомий ва ташкилотчиларнинг сахийлиги тутиб кетди. Вилоят халқ таълими бошқармаси, "Ёш куч" кўнгилли спорт жамияти, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, бадиий гимнастика федерацияси ҳамда туман ташкилотларининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари ёш кўнгилларга олам-олам қувонч бағишлади.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

Bolalik bog`i

## VATANIM

*Jamolingdan*
*bahra olgaymiz,*
*Quchoq-quchoq*
*gullar tergaymiz.*
*Bog`laringda*
*shodon o`ynaymiz,*
*Mehring ulug`,*
*aziz Vatanim!*

*Yo`q dunyoda*
*senday mamlakat,*
*Yo`q dunyoda*
*bundayin jannat.*
*Obod turmush va*
*ozod mehnat*
*Hukm surgan ozod diyorim.*

## G`AROYIB SOZANDA

*– Uyimizda, –*
*maqtanar Nor,*
*– Hamma nedir chaladi.*
*Akam dutor, opam esa*
*Tor chertishni biladi.*
*– Sen-chi?*
*– Men-mi, oilada*
*Eng kichkina bolaman.*
*Hozircha mashinaning*
*Signalini chalaman.*

**Muxtasar KARIMOVA,**
**Bekobod tumani,**
**4-sinf o`quvchisi.**

Жиноятга жазо муқаррар

# ИСЛОМ БИЗ УЧУН МУҚАДДАС

**аммо, ундан ўз манфаати ва ғаразли мақсади йўлида фойдаланмоқчи бўлганлар эса ашаддий душманимиздир.**



Ислом – муқаддас дин. У кишилик жамияти, умуман одамлар маънавияти, улар ахлоқ – одобининг кўзгуси сифатида дунёга келган ва ривожланган. Асрлар, йиллар ўтиши билан Ислом дини ер юзига кенг ёйилган ва тараққий этган. Ўрта асрларда бизнинг ҳудудларда ҳам тез ривожланган ушбу дин дунё илм тамаддунига залворли тошларни қўйган кўплаб алломаю уламолар етишиб чиқишига сабаб бўлган.

Ибн Синою Мотурудий, Фарғонию Навоий – барчалари ана шу Ислом дини таъсирида етишган, илмнинг пирларига айланган аждодларимиздир.

Алалхусус, ушбу динни ўрганишга даъват, ер юзини обод қилишга бўлган чақириқлар, инсон маънавияти билан боғлиқ яна кўплаб қарашлар ва муқаддас тушунчалар бизнинг юртимиздан ана шундай буюк инсонларнинг етишиб чиқиши ва дунёга танилишига сабаб бўлганлигини ҳеч ким инкор эта олмайди. Биз Ислом динини ҳануз ана шу тушунча ва эътиқод билан қадрлаймиз ва шу йўлда собитқадаммиз.

Минг афсуски, даврлар ўтиши, авлодлар алмашиши нуқтаи-назаридан биз муқаддас ва эъзозли дин деб ҳисоблаган Исломдан ўз манфаати ва жирканч мақсадлари йўлида фойдаланишни истовчилар ҳам пайдо бўла бошлади. Диндан фойдаланишдан кутган натижалари фақатгина ҳокимият, уни эгаллаш бўлган.

Айни даврга келиб эса бу мақсад ва унга интилиш янада кучайди. Энди бу йўлдаги очиқдан-очиқ ҳаракатлар кўз ўнгимизда яққол намоён бўлмоқда.

Ён қўшнимиз Афғонистонда давом этиб келаётган можаролар, дунёнинг турли бурчакларида барчани даҳшатга солаётган портлашлару қирғинбаротларни амалга ошираётганлар ўзларини ислом тарафдорлари дея эътироф этишаяпти.

Динга бўлган эҳтиёжи ва кўп йиллик топталишлар, халқимизнинг соддадиллиги, самимиятидан юртимизга кўз олайтирувчи ёвуз кучлар жуда усталик билан фойдаланишмоқда. Ўзимизга ўзимизни қарши қилиб қўймоқчи бўлаяпти. Содда қилиб айтганда, зарба берадиган сопни ўзимиздан чиқармоқчи, улар. Ўзлари эса четда томошабин бўлиб қолаверишни хоҳлашади.

Чекка-чеккада туриб гижгижловчилар сони кўпайса кўпайяптики, асло камаймаяпти. Бу ҳақда матбуот, телерадио бонг ураяпти. Турли учрашув ва тадбирларда яна ва яна гапирилаяпти. Аммо ҳамон ғараз ниятли кимсаларнинг интилишлари сусаймаяпти.

Жиноят ишлари бўйича Қибрай туман суди ҳам айнан ана шундай жиноий мақсадларни кўзлаганлар қармоғига илинганларнинг қилмишларини кўриб чиқди.

Унга кўра Абдураҳим Ғуломов, Рашид Алиев, Фурқат Нумонов, Жаҳонгир Ҳақназаров, Шавкат Бобоев, Абдусадир ва Абдуқодир Шойназаровлар, Баҳром Боймуродовлар ҳам балки ўзлари аралашиб қолган бундай ёвуз мақсадли ишларнинг моҳиятига етиб боришмагандир. Аммо, норасмий йиғилишларда жиҳод қилиш, ҳукуматга қарши қурол кўтариш ҳақида сўз борганда, қаёққа қараб кетаётганларига наҳотки ақллари етмаган бўлса.

Ушбу кимсаларни оқлаб бўлмайди. Чунки, улар ўзлари уюштириб, иштирок этаётган тадбирларнинг ортида нималар ва кимлар турганини аниқ билган ҳолда онгли равишда ҳаракат қилишган.

"Янгиобод" деб номланувчи ғайриқонуний гуруҳга аъзо бу кимсалар Қибрай тумани ҳудудида доимий равишда турли йиғинлар ташкил этиб, унда ваҳҳобийлик оқимига хос, ақидапарастлик ва экстремистик руҳдаги суҳбатлар ўтказиб келишган. Ваҳҳобийлик оқими аъзоси бўлган, айни кунда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан қидирувда бўлган Обид қори Назаровнинг ана шундай мавзулардаги маърузалари ёзилган диск ва кассеталар ҳамда китоб шаклидаги қўлланмалари гуруҳ аъзоларининг қўлида мунтазам айланган.

Аслида эса бу кимсанинг маъруза ва бошқа кўринишдаги аудио, видео қўлланмалари мамлакатимиз ҳудудига олиб кирилиши тақиқланган.

Бундай воситаларни мамлакатимизга келтирганлар ва ундан фойдаланганлар ҳам жавобгарликдан қутулиб қолмайди, албатта.

Суд юқорида тилга олинган кимсаларга ҳам тегишли ҳукмни ўқиди. Улардан айримлари қамоқ жазоси, қолганлари эса маъмурий жавобгарликка тортилди.

Ҳар сафар ҳукм ўқилади, жазо ижро этилади. Нима учун ана шу йўлга адашиб кириб қолган ёхуд шу илинжда юрганлар ўзларига вақтида хулоса чиқариб олмайдилар.

Ахир ўзгаларнинг қўлида қўғирчоқ бўлиб, ўз юрти ва халқига қарши боришнинг оқибати нима бўлиши барчага аёнку! Наҳот, шунинг учун ҳам ортиқча ақл-фаросат зарур бўлса!

**Асом ЛАТИПОВ.**

## ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

- Суюқ овқат тиниқ чиқиши учун чучвара, уграни бир дақиқага, гуручни 3-5 дақиқага қайноқ сувга солинг, сувини сирқитгандан кейин қайнаб турган шўрвага ташланг.
- Макарон маҳсулотлари ёпишмасдан, яйраб пишиши учун қайнатилаётган сув 6-8 марта кўп бўлиши керак.
- Сутли таомлар тайёрлаш учун макарон ва гуруч сувда чала пиширилади, сўнгра қайнаб турган сутга солинади ва шира тортгунча пиширилади. Сутга солинса, "тирик" бўлиб қолади.
- Товуқ шўрва мазали ва хушбўй бўлиши учун қайнатаётганда чала қовурилган товуқ суякларидан солиш керак.
- Қайнатилган тил пишгандан сўнг 5-10 дақиқага совуқ сувга солиб қўйилса, пўсти осон кўчади.
- Буйракни қовуришдан олдин бир томонидан кесиш, яхшилаб ювиш ва 3-4 соатга совуқ сувга солиб қўйиш лозим. Буйрак баланд оловда қовурилса, сели чиқмайди.
- Янги картошкани қайнатган маъқул, қовурилганда яхши қизармайди ва берч бўлиб қолади.
- Картошка мазали ва хушбўй бўлиши учун қайнатаётганда сувга 2-3 бўлак саримсоқ пиёз ва лавр барги солинг.
- Майда янги картошка қисқа вақтга иссиқ, сўнгра совуқ сувга солиб қўйилса, пўсти осон тозаланади.
- Крахмал миқдори етарли бўлмагани сабабли янги картошкадан пюре тайёрлаш маслаҳат берилмайди.
- Балиқ баланд оловда қайнатилса, гўшти қаттиқ, шўрваси хира бўлиб қолади.
- Балиқ бўлакларига туз сепиб 10-15 дақиқага олиб қўйсангиз, қовураётганда майдаланиб кетмайди.
- Тозалашдан аввал балиқни бир неча сонияга қайнаб турган сувга солинса, тангалари осон кўчади.
- Бўлакланган балиқни сутга солиб қўйиб, сўнгра унга қориб, кўп ёғда қовурилса мазали бўлади.
- Балиқни 15-20 дақиқага лимон шарбати, ўсимлик ёғи, туз, пиёз ва кўкат аралашмасига солиб қўйиб, сўнгра димланса таъми оғзингизда қолади.
- Сўлиб қолган кўкатларни 40-50 дақиқага озгина сирка қўшилган сувга солиб қўйсангиз, яна асл ҳолига келади.
- Хамирни елвизакда қолдирманг, акс ҳолда у қапзиб, таом сифати бузилади.
- Ёғли хамир 1-1,5 соат тиндириб қўйилса, столга ёпишмай, осон ёйилади. Хамир устига ҳўлланган тоза сочиқ ёпиб қўйсангиз, юзаси қотмайди.
- Шакарли хамир яхши ёйилиши учун унга тухум сариғини қўшиш керак.

**Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА тайёрлади.**

Сураткаш ҳазили




**– Эҳ, дунёнинг ташвишлари...**

Ҳангома

# «ҚАТТИҚ» ҲАЗИЛ



Оташнафас ҳофиз Комилжон Баратов ҳазилни яхши кўтарар, ошналари ҳам ўзи каби қитмир, ўйлаб топган шумликлари бир-бирлариникидан ўтар эди. Ҳофизнинг пойтахтда кўзга кўринган тадбиркор Ҳомидхон исмли ошнаси бўлиб, у киши ҳам дўстларига ўта қалтис ва фавқулодда шумликлар қилар эди. Комилжон ака Ҳомидхоннинг улфатлар билан бўладиган бир неча гапларида қатнашгач, бир куни:

– Ҳомидхон, шунча ўтиришингларда сизларга туздош бўлдим, энди бир якшанба улфатлар билан бизникига боринглар, мен ҳам дастурхон ёзиб, атаганимни ўртага қўяй, – дебди.

– Хўп бўлади, ҳофиз, унда келгуси якшанбага қирқ кишилик дастурхон тузанг, – дебди Ҳомидхон.

– Хўп.

– Артис-партис ҳам айтиб қўйинг.

– Хўп.

Айтилган кунга Комилжон ака елиб-югуриб, қирқ кишилик дастурхон тузабди. Тайинланган вақт ҳофизнинг дарвозаси қаршисида "Икарус" тўхтабди. Автобусдан Ҳомидхон ака етакчилигида эгниларида эскитуски жомакор, ориқ-семиз, новча-пакана қирқ нафар "улфат" тушиб келаётганмиш. Бу жамоани Ҳомидхон ака мардикор бозоридан ёллаган экан.

Комилжон ака "миқ" этмай, меҳмонларни қўли кўксида кутиб олиб, шоҳона дастурхон атрофига ўтқазиб, бирин-кетин қуюқ-суюқ таомлар торттирибди. Новча-пакана шишалар очилиб, "улфатлар"нинг оғизларига тентак сув теккач, ёйилишиб, керилишиб: "Бир эшитайлув!", "Давай задушевную!" деган талаблар туша бошлабди.

Таклиф қилинган ҳофизлар бирин-кетин ўртага чиқиб, санъатларини намойиш эта бошлашибди. Хуллас, ҳовлида қарс-базм алламаҳалгача давом этибди. Ниҳоят, зиёфат якунланиб, дастурхонга фотиҳа ўқилгач, улфатлар яна "Икарус"га ўтириб, орқага қайтишибди. Комилжон ака қўли кўксида, уларни кузатиб қолибди.

Орадан бироз вақт ўтгач, Ҳомидхон ака курортга дам олгани кетибди. Бир ҳафта ўтгач, Комилжон ака бир нечта мардикорни эргаштириб, ошналарининг уйига кириб келибди-да, айвонда ўтирган хонадон соҳибасига:

– Ҳомидхон курортдан менга қўнғироқ қилиб, мана шу, сиз ўтирган айвонни буздириб, ўрнини текислатиб қўйсангиз, дедилар. Шунга усталарни олиб чиқувдим, – дебди.

– Вой, тавба, нега айвонни буздирар эканлар?! – дебди ошнасининг хотини ҳайратга тушиб. – Бу айвонни ўзлари ўтган йили ҳавас қилиб, қурдирувдилар-ку! Менга бу ҳақда ҳеч нима демовдилар...

– Сизга демаган бўлсалар, менга қўнғироқ қилиб, айтдилар.

– Шундай чиройли айвонни нимага буздиришларига ҳеч ақлим етмаяпти!

– Нимагалигини мен ҳам билмасам, балки кўнгилларига ўтиришмай қолганми?

Хуллас, мардикорлар ишга киришиб, ҳаш-паш дегунча, айвонни бузиб, ўрнини текислаб, гул экиб кетишибди.

Ҳомидхон ака курортдан қайтиб келса айвон йўқ, ўрнида гултожихўрозу райҳонлар гуркираб ўсиб ётганмиш.

– Бу нимаси? – дебди Ҳомидхон тили зўрға айланиб. – Айвон қани?!

– Нималигини ўзиз билмайсизми? – дебди хотини йиғлагудан бери бўлиб. – Комилжон ака айтганингиздай қили-и-иб, айвонни буздириб, ўрнига гул эктириб қўйдилар!

– Ҳм, ҳофизи тушмагур биру бир қилмоқчи бўптилар-да! Барибир мени фойдамга биру икки бўлади! – дебди Ҳомидхон ва ярим кечаси ҳофизнинг дарвозасига бир «КамАЗ» қайноқ бетон тўктирибди.

Эрталаб Комилжон аканинг қўшнилари дариллаб, шақиллаган шовқиндан чўчиб, ташқарига чиқишса, қўлларига "отбой" болға ушлаган бир гуруҳ ишчилар ҳофизнинг дарвозасида тоғдай уюлиб ётган бетонни кўчираётганмиш. Ҳофиз бўлса, осонликча кўчмаётган бетоннинг қаттиқлигидан ажабланиб, ўзича: "Ҳазил ҳам шунчалик қаттиқ бўладими?" деб бош чайқармиш.

**Дилфуза АКБАРОВА.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 7645. Адади 7 758. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.40.